

## Бадал ҳажи



16:20 / 14.05.2025 1683

Исломда ибодатлар уч хил бўлади:

1. Соф бадан ибодати. Масалан, намоз, рўза каби ибодатларда Аллоҳ таолога бўйсунуш, сиғинуш инсоннинг бадани, руҳи билан бўлади. Буларда молга, пулга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Бундай бадан ибодатлари ҳар бир инсонга бирламчи фарз (фарзи айн) бўлади. Уни ҳар бир инсон ўзи бажармоғи лозим, бировнинг ўрнига бошқа биров намоз ўқиб ёки рўза тутиб беролмайди.
2. Соф молиявий ибодатлар. Бу ибодатга закот ва садақа киради. Бу ибодатлар инсоннинг молу пулини сарфлаш билан амалга ошади. Ўша мол олувчи кишининг фойдаси қайд қилинган. Бундай молиявий ибодатларни бировнинг номидан иккинчи одам адо этса бўлади. Мисол учун, мол эгаси закотни ҳисоблаб чиқариб, ҳақдорларга беришни бошқа бир кишидан илтимос қилса бўлади. Ёки бировга пул бериб, ўзининг номидан садақа қилиб қўйишни сўраса бўлади.
3. Бадан ва мол аралашган ибодат. Ҳаж ана шундай ибодат бўлиб, бунда одам машаққат билан сафар қилади, ибодатларни жон қойитиб, ҳаракат қилиб бажаради. Айни чоғда, пул-мол ҳам сарфлайди. «Бундай ибодатларни бировнинг ўрнига бошқа киши адо қилса бўладими?» деган саволга турли мазҳабларда турли фикрлар айтилади.

Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳажни бировнинг ўрнига бошқа одам адо этса бўладиган ибодатлардан дейишган. Аммо бунинг бир неча шарти бор:

1. Кишининг ҳаж қилишдан ожизлиги умр бўйи давом этадиган бўлса. Мисол учун, тузалмайдиган касал ёки кўзи ожиз бўлса.
2. Ҳажга йўллаётган одамнинг номидан ният қилиш шарти. Яъни, бораётган одам ўзининг номидан эмас, балки кимнинг номидан ҳаж қилаётган бўлса, ўшанинг номидан ният қилиши шарт.
3. Кетадиган маблағнинг кўп қисми номидан ҳаж қилинаётган кишиники бўлиши керак, агар у васият қилган бўлса. Васият қилмаган бўлса, бошқа одамнинг маблағи билан ҳам бўлаверади. Бадал ҳажини бажарувчи кишини ижарага олинган деб шарт қилмаслик керак.
4. Номидан ҳаж қилинаётган одамнинг шартини бузмаслик лозим. Мисол учун, ифрод ҳаж қилишни тайинлаган бўлса, қиронга ёки таматтуъга ният қилиб бўлмайди.
5. Фақат бир ҳажни ният қилиш шарт. Яъни, ҳам у одамнинг номидан, ҳам ўзининг номидан ният қилиб бўлмайди. Ёки бир йўла бир неча киши номидан бадал ҳажини қилиб бўлмайди.
6. Ҳар икки тараф, яъни буюрувчи ҳам, адо этувчи ҳам мусулмон ва оқил бўлиши шарт. Бирортаси кофир ёки мажнун бўлса, жоиз эмас.
7. Бадал ҳажини адо этувчи киши эсини таниган бўлиши керак. Нарсанинг фарқига бормайдиган ёш бола бўлса, ўтмайди.
8. Бадал ҳажини адо этувчи киши олдин ўз зиммасидаги ҳаж фарзини адо этган бўлиши.

???? ?????? ???????? ?????????????????? ?????? ??????

??????? ?????????: ??? ???????? ???????? ?????? ??????

??????? ?????????? ??? ?????????????????? ?????????? ??????

???????????? ?????? ????????????? ??????: «????? ?????  
????????? ??????????????». ??????? ??????????  
????????????.

*Абу Розийн Уқайлий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Эй Аллоҳнинг Расули! Менинг отам қартайиб қолган чол. Ҳажга ҳам, умрага ҳам, сафарга ҳам қодир эмас», дедим. **«Отангнинг номидан ҳаж ва умра қил»**, дедилар».

*«Сунан» эгалари ривоят қилишган.*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу аллайҳи васаллам ҳаж қилиб кетаётганларида ҳасъам қабиласидан бир аёл туяларининг олдини тўсиб чиқди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг отамга ҳаж фарз бўлган эди, адо этолмай вафот этиб қолди, унинг номидан ҳаж қилсам бўладими?» деб сўради.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга: **«Отангнинг бирор кишидан қарзи бўлса, адо қилсанг бўладими?»** дедилар. «Бўлади», деди у. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: **«Аллоҳнинг қарзини адо этишинг афзалроқдир»**, дедилар. Ушбу ҳадиси шарифга биноан бадал ҳажи қилишга рухсат бўлган.

**«Мўминнинг умр сафари» китобидан**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 06 февралдаги 02-07/ 588-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.